

Наманган давлат университети Таълим сифатини назорат қилиш бўлимининг 2018
йил март ойида амалга оширган ишлари бўйича
ҲИСОБОТИ

Вазифа: кадрлар истеъмолчиларининг фан дастурлари ва битирувчилар малакаси бўйича фикр-мулоҳазаларини ўрганиш.

Наманган давлат университет бакалавр ва магистратура мутахассисликлари кадрлари истеъмолчиларининг ўқув режалар, ўқув дастурлар ҳамда битирувчилар малака даражасига муносабатини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровноманинг таҳлили

Наманган давлат университети мутахассислик кафедралари кесимида битирувчиларнинг асосий истеъмолчилари билан ҳамкорликда ўқув режалар, ўқув дастурлар ва битирувчиларнинг малакасини баҳолаш бўйича суровномалар ўтказилди. Сўровнома қуйидаги ишлаб чиқилган намуна асосида ўтказилди.

Наманган давлат университети _____
йўналиши (мутахассислиги) кадрлари истеъмолчиларининг ўқув режалар, фан дастурлари
ҳамда битирувчилар малака даражасига муносабатини ўрганиш бўйича СЎРОВНОМА

Кадрлар истеъмолчисининг тўлиқ юридик номи ва манзили: _____

Сўровда иштирок этган масъул ходим (мутахассис) фамилияси ва исми, лавозими: _____

ЎҚУВ РЕЖАЛАР БЎЙИЧА:

1. Амалдаги ўқув режасини таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича тайёрланаётган кадрларнинг касбий малака эгаллашига қай даражада мос деб ҳисоблайсиз?
 Тўлиқ жавоб беради; Қисман, эътирозли ҳолатлар мавжуд (2-бандга ўтинг);
 Мос эмас, ўқув режасини тўлиқ қайта ишлаб чиқиш керак (3-бандга ўтинг).

2. Ўқув режасида қандай эътирозли ҳолатлар бор, деб ҳисоблайсиз (*Шакли ёки ундан
ортиқ жавоб вариантларини кўрсатишингиз мумкин*)?
 Касбий малака учун аҳамияти юқори бўлмаган фанлар ҳисобига фанлар сонни кўп (*Илтимос,
фиҳрингизни мисол билан асосланг*): _____
 Бир-бирини такрорловчи фанлар мавжуд (*Илтимос, фиҳрингизни мисол билан асосланг*): _____
 Мустақил таълим учун қатта соат ажратилган, лекин талабанинг олий таълим муассасасида уни
тўлақонли бажаришнинг реал имконияти мавжуд эмас;
 Малакавий амалиётларни ташкил этиш вақти ва ҳажми талаб даражасида эмас;
 Бошқа (*Илтимос, изоҳингизни ёзинг*): _____

3. Сизга тақдим этилган ўқув режасини қайта ишлаб чиқишда қайси жиҳатларга
эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз (*Шакли ёки ундан ортиқ жавоб вариантларини
кўрсатишингиз мумкин*)?
 Ўрта мактаб ва коллеж (лицей)ларда ўқитилиб келинган фанларни ўқув режадан чиқариб
ташлаш;
 Фанлар сонини уларни йириклаштириш ва такрорланадиган фанларни олиб ташлаш орқали
қисқартириш;
 Фанларни семестрлар бўйича жойлаштиришдаги тартибни қайта кўриб чиқиш;
 Бошқа (*Илтимос, изоҳингизни мустақил равишда ёзиш*): _____

4. Сизга тақдим этилган таълим йўналиши (мутахассислиги) ўқув режасининг
қўшимча ёки тавлов фанлар блогига қандай фанларни киритишни таклиф қиласиз?

ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ БЎЙИЧА:

5. Илтимос, сизга тақдим этилган фан ўқув дастурларини баҳолашг

Кўрсаткичлар	Ижобий	Қониқарли	Қониқарсиз
Дастурда келтирилган мавзуларнинг фanni қамраб олиш даражаси			
Дастурда мавзулар бўйича мазмунотларни замонавийлиги			
Дастурда талабалар мустақил иши бўйича ишлаб чиқилган топшириқларнинг амалий аҳамияти			
Талабалар мустақил иши бўйича ишлаб чиқилган топшириқларни бажарши имконияти			
Дастурда келтирилган адабиётлар рўйхати			
Дастурда талабалар билимини баҳолаш мезонлари			

6. Фан дастурларини ишлаб чиқишда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз? (Икки ёки ундан ортиқ жавоб вариантларини кўрсатишингиз мумкин).

- Мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро муносиблтиги;
- Мавзуларнинг бошқа фанларда такрорланмаслиги;
- Дастурнинг адабиёт таъминотида эркинликни кенгайтириш;
- Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, баҳолашнинг нисбатан содда механизмларини қўллаш
- Бошқа (Илтимос, изоҳингизни мустақил баён қилинг): _____

7. Сизга тақдим этилган ва касбий фаоллигингизга энг яқин бўлган фан ўқув дастурига яна қандай мавзулар киритишни таклиф қиласиз?

БИТИРУВЧИЛАР МАЛАКА ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА:

8. Илтимос, университет битирувчиларининг касбий малака кўникмалари ва фаоллигини, олий маълумотли мутахассис сифатидаги ижтимоий-маънавий кифоаси, инновацион ёндошувини баҳолашг:

Кўрсаткичлар	Ижобий	Қониқарли	Қониқарсиз
Касбий фаоллиятга оид назарий билимларни эгаллаганлик даражаси			
Назарий билимларни амалда қўллай олиши			
Касбий фаоллиятда вазиятни таҳлил қила олиши, ҳулосалар чиқара олиши			
Касбий фаоллиятни мустақил бажара олиш салоҳияти, ижодий фикрлаши			
Ўз лавозим вазифаси моҳиятини тушуниши			
Ижтимоий-сиёсий муносабатларни англаши			
Маънавий-эстетик кифоаси (одоб-ахлоқи)			
Жамoa билан ишлаш олиш қобилияти			
Чети тили ва АКТни билиши			

9. Битирувчилар рақобатбардош бўлишлари учун қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз? (Икки ёки ундан ортиқ жавоб вариантларини кўрсатишингиз мумкин).

- Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш;
- Талабалар малакавий амалиётлари муддатларини кўпайтириш;
- Ўқув-тарбия жараёни интизомини кучайтириш;
- Талабаларни кўпроқ китоблар ўқишга ундаш механизмини амалда қўллаш;
- Талабалар ижтимоий-сиёсий дунёқарашини янада кенгайтириш чораларини кўриш;
- Иш берувчилар билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни кўпроқ ташкил этиш;
- Бошқа (Илтимос, изоҳингизни мустақил баён қилинг): _____

Кафедраларда ўтказилган сўровномалар тахлили қуйидагича:

1. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 12 та (барчаси умумий ўрта таълим мактаблари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: Барча қатнашувчилар йўналишнинг 1-блокидаги математика, фалсафа ва шунга ўхшаш фанлари юкламаларини қисқартириш ёки ўқув режадан чиқариб ташлаш ва унинг ўрнига рангтасвир, қаламтасвир каби мутахассислик фанлари соатларини кўпайтириш таклифини беришган. Амалиётлар бўйича музей ва археологик амалиётларни жорий қилиш ва уларга етарли соат ажратиш лозимлигини келтиришган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига киритиш учун Соялар назарияси, Композиция, Рангшунослик, Санъат асарлари таҳлили каби фанларни киритишни сўрашган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар сифати бўйича умумий баҳолаш ижобий бўлган. Лекин иштирокчиларнинг 9 нафари айтиш пайтдаги баҳолаш системасини ўзгартириш лозимлигини таъкидлашган. Шунингдек, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча ва танлов фанларга Рангшунослик асослари, Материаллар технологияси, Ўзбекистон санъати тарихи, Дастгоҳли академик қаламтасвир, Наққошлик ва ўймакорликка таалукли бўлган мавзуларни киритиш заруриятини билдиришган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич ижобий. Битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражаси аксарият муассасаларда қониқарли. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

2. Мусиқа таълими кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 3 та (1 та 11-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби, 1 та “Ўзбекконцерт” Наманган вилоят бўлими, 1 та Наманган маданият коллежи) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: Барча қатнашувчилар йўналишнинг 1-2-блокидаги математика, физиология ва шунга ўхшаш фанлари юкламаларини қисқартириш ёки ўқув режадан чиқариб ташлаш ва унинг ўрнига мақом санъати, болалар боғчаси учун ракс санъати каби мутахассислик фанларини кўшиш ва уларга етарлича соатлар ажратиш таклифини беришган. Мустақил таълим учун катта соат ажратилган уни бажариш учун талабани реал имконияти мавжуд эмаслиги сабабли мустақил таълим соатини камайтириш лозимлигини келтиришган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига киритиш учун якка тартибдаги фанларни киритишни сўрашган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар сифати бўйича умумий баҳолаш ижобий бўлган. Мусикани ўқитишда компьютер дастурларидан фойдаланиш, модул тизимида ишлаш ва кредит тизимида баҳолаш лозимлигини таъкидлашган. Шунингдек, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўқув дастурига вокал ва замонавий мусиқа, Анъанавий хонандаликда мақом санъати ва болалар кўшиқларига таалукли бўлган мавзуларни киритиш заруриятини билдиришган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич ижобий. Битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражаси аксарият муассасаларда қониқарли. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

3. Иқтисодиёт кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 20 та (1 та Уйчи педагогика коллежи, 1 та Уйчи туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, 1 та Наманган вилоят телерадиокомпанияси, 1 та Уйчи туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси, 1 та

“Гулферуза Телмон” фермер хўжалиги, 1 та Халқ банки Наманган филилали, 1 та Тўрақўрғон 39-умумий ўрта таълим мактаби, 1 та Уйчи туман ғазначилик бўлими, 1 та Наманган шаҳар бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, 1 та Мингбулоқ Агросаноат КХК, 1 та “Машхура” х/к, 1 та “Келажак” х/к, 1 та Наманган шаҳар халқ банки, 1 та Косонсой 39-умумий ўрта таълим мактаби, 1 та “Намалжон Буойша” фермер хўжалиги, 1 та Косонсой туман акциядорлик тижорат банки, 1 та Чуст туман мажбурий суғурта, “Намангандавмахсуспудрат” ДУК, 1 та Наманган шаҳар микрокредитбанк) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: Барча сўровномаларда йўналишнинг ўқув режаларида мустақил таълим учун катта соат ажратилган уни бажариш учун талабани реал имконияти мавжуд эмаслиги сабабли мустақил таълим соатини камайтириш таклифини беришган. Шунингдек малакавий амалиётларни ташкил этиш вақти ва ҳажми талаб даржасида эмаслигини таъкидлашган. Фанларни йириклаштириш ва такрорланадиган фанларни олиб ташлаш орқали улар сонини камайтириш, фанларни семестрлар бўйича жойлаштиришдаги тартибни қайта кўриб чиқиш таклифини беришган

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига Кичик бизнес ва тadbиркорлик, Эконометрика, Ижтимоий соҳа иқтисодиёти, Солиқ ва солиққа тортиш, Банк иши, Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти, Ғазначилик иши, Корхона иқтисодиёти, Молиявий ва бошқарув ҳисоби, Иқтисодий география, Ижро интизоми каби фанларни киритишни сўрашган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар сифати бўйича умумий баҳолаш қониқарли бўлган. Мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро муносиблигини таъминлашни сўрашган. Шунингдек, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув дастурига Меҳнат иқтисодиёти, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, Пул, кредит ва банklar, Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, Ижтимоий соҳа иқтисодиёти, Муаммоли кредитларни бартараф этиш йўллари, Инновацион менежмент модул тизимида ишлаш ва шунга ўхшаш мавзуларни киритиш зарурияти борилиги ҳамда талабалар билимини баҳолашнинг нисбатан содда механизмларини қўллаш лозимлигини билдиришган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли. Битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражаси аксарият муассасаларда қониқарсиз деб кўрсатилган.

4. Рус тили ва адабиёти кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 24 та (барчаси умумий ўрта таълим мактаблари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: Барча сўровномаларда йўналишнинг ўқув режасида математик ва табиий-илмий фанлар блокадаги математика ва шунга ўхшаш фанларни юкламаларини қисқартириш ёки ўқув режадан ўрта мактаб ва касб-хунар коллеж (лицей)ларида ўқитилиб келинган фанларни чиқариб ташлаш унинг ўрнига мутахассислик фанлари соатларини кўпайтириш таклифини беришган. Малакавий амалиётларни ташкил этиш вақти ва ҳажми талаб даржасида эмаслиги, мустақил таълим учун катта соат ажратилган уни бажариш учун талабани реал имконияти мавжуд эмаслиги сабабли мустақил таълим соатини камайтириш таклифини беришган. Амалиётлар бўйича музей ва археологик амалиётларни жорий қилиш ва уларга етарли соат ажратиш лозимлигини келтиришган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига киритиш учун Нутқ маданияти, тилни ривожлантиришга хизмат қиладиган каби фанларни киритишни сўрашган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар сифати бўйича умумий баҳолаш қониқарли бўлган. Лекин иштирокчиларнинг 6 нафари айна пайтдаги талабалар мустақил

иши бўйича ишлаб чиқилган топшириқларнинг амалий аҳамияти қониқарсиз ҳолатдалигини таъкидлашган. Шунингдек, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув дастурларига нутқ маданиятини ривожлантириш, рус тили грамматикасига таалуқли бўлган мавзуларни киритиш заруриятини билдиришган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли. Сўровнома олинганлардан 5 таси битирувчиларни касбий фаолиятда вазиятни таҳлил қила олиши, ҳулосалар чиқара олиши, маънавий-эстетик қиёфаси (одоб-ахлоқи), жамоа билан ишлай олиш қобилияти, чет тили ва АКТни билиш даражасини қониқарсиз деб кўрсатишган.

5. Физика кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 4 та (2 таси умумий ўрта таълим мактаблари ва 2 та си касб-ҳунар коллежлари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: барча сўровномаларда йўналишнинг ўқув режасидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, математик ва табиий-илмий фанлар блокадаги фанларни юкломаларини қисқартириш, умумкасбий фанлар, ихтисослик фанлари соатларини кўпайтириш таклифини беришган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокага замон талабларига мос келадиган электротехника-радиоэлектроника, мутахассисликка оид фанларни киритишни сўрашган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар сифати бўйича умумий баҳолаш қониқарли бўлган. Шунингдек, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув дастурига физика ўқитиш методикаси фанини соатларини кўпайтириш, табиий ва амалий фанларга оид мавзуларни кўпайтириш зарурияти борлигини билдиришган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич ижобий. Битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражаси аксарият муассасаларда қониқарли. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

6. Немис ва француз тили кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 8 та (умумий ўрта таълим мактаблари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: 8 та сўровномалардан 4 тасида йўналишнинг ўқув режалари тўлиқ жавоб бериши, йўналишнинг ўқув режасидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокадаги фанларни юкломаларини қисқартириш, баъзи фанларда мустақил таълим соатлари амалий соатлар билан тенглигини инобатга олиб қайта кўриб чиқиш, ихтисослик фанлари блоки таркибидаги коммуникатив лексика ва амалий грамматика ҳамда интеграциялашган тил кўникмалари фанларини соатларини кўпайтириш таклифини берилган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокага замон талабларига мос келадиган 1-2-курслар учун амалий фонетика фанини киритиш кераклиги сўралган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар сифати бўйича умумий баҳолаш қониқарли деб баҳоланган. Мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро мутаносиблиги, адабиёт таъминотида эркинликни кенгайтириш ва талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, баҳолашнинг содда механизмларини қўллаш лозимлиги бўйича фикрлар билдирилган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли баҳоланган. Иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни кўпроқ ташкил этиш, таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш ҳамда уларни китоб ўқишга бўлган қизиқишларини янада ошириш таклифи берилган. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

7. Мактабгача таълим кафедраси:

Ушбу йўналиш бўйича жами 10 та (6 та мактабгача таълим муассасалари ва 4 та касб-хунар коллежларидан) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: 10 та сўровномаларда ҳам йўналишнинг ўқув режалари қисман, эътирозли ҳолатлар борлиги, касбий малака учун аҳамияти юқори бўлмаган (география ва олий математика) фанлар ҳисобига уларнинг сони кўплиги, бир-бирини такрорловчи фан (жисмоний тарбия) борлиги, малакавий амалиётларни ташкил этиш вақти ва ҳажми талаб даражада эмаслиги ҳамда ўқув режадан ўрта мактаб ва касб-хунар коллеж (лицей)ларида ўқитилиб келинган фанларни чиқариш, фанлар сонини йириклаштириш билан бирга уларнинг семестрлар бўйича жойлаштиришдаги тартибини қайта кўриб чиқиш кераклиги бўйича таклифини берилган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига замон талабларига мос келадиган устахона, мактабгача педагогика, лойиҳалаштириш ва саҳналаштириш фанларини киритиш кераклиги лозим деб топилган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар сифати бўйича умумий баҳолаш қониқарли деб баҳоланган. Аммо талабалар мустақил иши бўйича ишлаб чиқилган топшириқларни бажариш имконияти, адабиётлар рўйхати аксарият сўровномаларда қониқарсиз деб баҳоланган. Шу билан бирга мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро мутаносиблиги, уларнинг бошқа фан дастурларида такрорланмаслиги ҳамда адабиёт таъминотида эркинликни кенгайтириш ва талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, баҳолашнинг содда механизмларини қўллаш лозимлиги бўйича фикрлар билдирилган.

Ўқув дастурига методик ўйинлар, болалар учун информатик қўлланмаларга ва устахона устаси фанига оид мавзулар киритиш лозимлиги таъкидланган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, малакавий амалиёт муддатларини кўпайтириш, ўқув-тарбия жараёни интизомини кучайтириш ва иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни доимий ташкил этиш ҳамда уларни кўпроқ китоблар ўқишга ундаш механизмини амалда қўллаш таклифи берилган. Шу билан бирга битирувчиларнинг амалий, ижодий, фикрлаш доираларини мустақил баён этиш малакаларига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган. Битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражалари 3 та сўровномаларда (30%) қониқарсизлиги кўрсатилган.

8. Ижтимоий-маданий фаолият кафедраси:

Ушбу йўналиш бўйича жами 8 та (5 та умумий ўрта таълим мактаблари, 1 та ДИМИ, 1 та ўқув марказ, 1 та Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Наманган шаҳар бўлими) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: сўровномаларда йўналишнинг ўқув режа тўлиқ жавоб бериши кўрсатилган. Касбий малака учун аҳамияти юқори бўлмаган (социология, фалсафа, ўзбек тили, менежмент) фанлар ҳисобига уларнинг сони кўплиги, бир-бирини такрорловчи фанлар маданият тарихи, санъат тарихи фанлари эканлиги, аксарият мутахассислар малакавий амалиётларни ёзги семестр якунида ўтказилиши лозимлиги, фанлар сонини йириклаштириш билан бирга уларнинг семестрлар бўйича жойлаштиришдаги тартибини қайта кўриб чиқиш орқали фанларни семестрлар бўйича қамайтириш кераклиги бўйича таклифлар берилган.

Амалдаги ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига замон талабларига мос келадиган маънавий-маърифий фаолият услубиёти, музейшунослик, номоддий маданий мерос, инсон тараққиёти, ахборот кутубхона хизматини ташкил этиш фанларини киритиш кераклиги лозим деб топилган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар сифати бўйича ўрта ҳисобда ижобий деб баҳоланган. Аммо мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро мутаносиблиги, мавзуларни бошқа фанларда такрорланмаслиги ҳамда адабиёт таъминотида эркинликни кенгайтириш ва талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, баҳолашнинг содда механизмларини қўллашга эътибор қаратилиши лозимлиги бўйича фикрлар берилган.

Мутахассисларнинг фикрича, ўқув дастурига туризм, маданият, санъат, ахборот кутубхона фанларига оид мавзулар киритиш таклифи билдирилган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қисман ижобий, битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражалари эса қониқарли баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни, ўқув-тарбия жараёни интизомини янада кучайтириш, талабалар ижтимоий-сиёсий дунёқарашини янада кенгайтириш чораларини кўриш, уларни кўпроқ китоблар ўқишга ундаш механизмини амалда қўллаш ҳамда амалиёт дарсларини иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиш таклифлари берилган. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

9. Архившўнослик кафедраси:

Куйидаги йўналиш бўйича жами 3 та (1 та вилоят монополия бошқармаси, 1 та вилоят давлат архиви, 1 та Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Косонсой туман бўлими) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: сўровномаларда йўналишнинг ўқув режа тўлиқ жавоб бериши кўрсатилган. Мустақил таълим учун катта соат ажратилган аммо талабанинг олий таълим муассасасида уни тўла бажаришнинг реал имконияти мавжуд эмаслиги, малакавий амалиётларни ташкил этиш вақти ва ҳажми талабга жавоб бермаслиги, фанлар сонини йириклаштириш ва такрорланган фанларни олиб ташлаш орқали қисқартириш билан бирга уларнинг семестрлар бўйича жойлаштиришдаги тартибини қайта кўриб чиқиш орқали бўйича таклифлар кўрсатиб ўтилган.

Сўровномада ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига замон талабларига мос келадиган архив атамашўнослиги, илмий тадқиқот усуллари ва миллий архив фонди, архив менежменти фанларини киритиш кераклиги таклифлари берилган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар сифати ижобий деб баҳоланган. Аммо мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро мутаносиблиги, мавзуларни бошқа фанларда такрорланмаслиги ҳамда адабиёт таъминотида эркинликни кенгайтириш ва талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, баҳолашнинг содда механизмларини қўллашга эътибор қаратилиши лозимлиги бўйича фикрлар билдирилган.

Ўқув дастурига архив ҳужжатларини сақлаш, қайта ишлов бериш ва тиклашларини амалиётда қўллаш учун амалий машғулот мавзулари киритиш жоизлиги таъкидланган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қисман ижобий, аксарият сўровномада битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражалари эса қониқарли баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, малакавий амалиётлари муддатларини кўпайтириш, уларни кўпроқ китоблар ўқишга ундаш механизмини амалда қўллаш ҳамда иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни кўпроқ ташкил этиш таклифлари берилган. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

10. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 21 та (19 та умумий ўрта таълим мактаблари ва 2 та касб-ҳунар коллежлари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: сўровномаларда йўналишнинг ўқув режа бўйича қисман эътирозлар мавжуд. Касб малака учун аҳамияти юқори бўлмаган фанлар (олий

математика, валеология, жисмоний тарбия, солий ва солиққа тортиш, иқтисод, қисман лингвистика) мавжудлиги, мустақил таълим учун катта соат ажратилган аммо талабанинг олий таълим муассасасида уни тўла бажаришнинг реал имконияти мавжуд эмаслиги, фанларни жойлаштиришдаги тартибини қайта кўриб чиқиш билан бирга мутахассислик фанларига (оғзаки ва ёзма нутқ ўстириш, нотиклик санъати, тил тарихи) кўпроқ соатлар ажратиш таклифлари берилган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига шарқ адабиётига оид фанларни киритиш лозимлиги таъкидланган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар қисман ижобий баҳоланган. Аксарият сўровномаларда мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро мутаносиблиги, мавзуларни бошқа фанларда такрорланмаслиги ҳамда адабиёт таъминотида эркинликни кенгайтириш ва талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, баҳолашнинг содда механизмларини қўллашга эътибор қаратилиши лозимлиги бўйича фикрлар билдирилган.

Амалдаги ўқув дастурига модерн адабиёти, замонавий шеърят, ҳозирги адабий жараён, оғзаки ва ёзма нутқни ўстириш фанлари бўйича мавзулар киритиш таклифи берилган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, малакавий амалиётлари муддатларини кўпайтириш, уларни кўпроқ китоблар ўқишга ундаш механизмини амалда қўллаш ҳамда иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни кўпроқ ташкил этиш таклифлари берилган. Битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражалари эса 14 та (74%) сўровномада қониқарсиз баҳоланган.

11. География кафедраси:

География йўналиш бўйича жами 9 та (барчаси умумий ўрта таълим мактаблари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: йўналишнинг амалдаги ўқув режаси бўйича иштирокчиларнинг 6 та сўровномаларда тўлиқ мослиги, 2 та сўровномаларда қисман эътирозли ҳолатлар мавжудлигини таъкидлашган. 1 та сўровномада эса фикр билдирмаган. Мустақил таълимга ажратилган соат кўплиги боис бажаришга олий таълим муассасаларида талабалар реал имконият йўқлиги, фанларни семестрлар бўйича жойлаштиришдаги тартибини қайта кўриб чиқиш лозимлигини келтиришган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига киритиш учун ўқув-меъерий хужжатлар билан ишлаш, география ўқитиш методикаси, география фанида тўғарақларни ташкил этиш, тупроқлар ва мелиоратив география каби фанларни киритишни сўрашган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар сифати бўйича умумий баҳолаш қисман ижобий баҳоланган. Лекин иштирокчиларнинг 9 нафари айтиш пайтдаги баҳолаш системасини ўзгартириш лозимлигини таъкидлашган.

Шунингдек, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча ва танлов фанларга инсон географияси, ҳулқ-атвор геопсихологияси, умумий гидрология ва иқлимшунослик, жаҳон географияси, халқаро географияси, географияси ташкилотлар, сиёсий географияси, қишлоқ хўжалиги географияси ҳамда ер шарида иссиқлик баланси фанларига таалукли бўлган мавзуларни киритиш заруриятини билдиришган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич ижобий. Битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражаси аксарият муассасаларда қониқарли. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

12. Математика кафедраси:

Йўналиш бўйича жами 5 та (2 та умумий ўрта таълим мактаблари, 1 та ДИМИ, 1 та касб-хунар коллежи, 1 та академик лицей) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: сўровномаларда йўналишнинг ўқув режа бўйича қисман эътирозлар мавжуд. Касб малака учун аҳамияти юқори бўлмаган фанлар кўплиги, ижтимоий фанлар соатларини қисқартириш лозимлиги, элементар математика фанини семестрлар бўйича жойлаштиришдаги тартибини қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига элементар математиканинг махсус бобларига доир фанлар киритилиши сўрашган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар умумий баҳолаш қониқарли. Аммо 3 та сўровномаларда дастурларнинг мавзулар бўйича машғулотларнинг замонавийлиги, келтирилган адабиётлар рўйхати, талабалар билимини баҳолаш мезонлари бўйича қониқарсиз баҳо берилган. Шунингдек, мавзулар мазмуни қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро номуносиблик борлиги сабабли эътибор қаратиш лозим деб топилган.

Қўшимча ва танлов фанларга кўп ўзгарувчи функцияларни параметр бўйича ҳосила олиш, функцияларнинг узлуксизлиги фанига таалукли бўлган мавзуларни киритиш заруриятини билдиришган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорликка кўпроқ эътибор берилиши жоиз деб баҳоланган. 1 та сўровномада битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражаси қониқарсиз кўрсатилган.

13. Миллий зоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 29 та (барчаси касб-хунар коллежлари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: йўналишнинг ўқув режаси бўйича мос деб баҳоланган. Малакавий амалиёт учун ажратилган вақт ва соат ҳажмини камлиги шу боис ўқув режани қайта кўриб чиқиш сўралган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига бугунги кундаги долзарб муаммоларни ўргатувчи фанларни киритиш таъкидланган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлар умумий баҳолаш қониқарли. Аммо 8 та сўровномаларда дастурда талабалар мустақил иши бўйича ишлаб чиқарилган топшириқларнинг амалий аҳамияти уларнинг бажарилиш имкониятини қониқарсиз баҳоланган.

Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча ва танлов фанларига ҳуқуқ, сиёсий фанлар бўйича мавзуларни киритиш лозимлиги билдирилган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли баҳоланган. Иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни кўпроқ ташкил этиш кераклиги сўралган. 3 та сўровномада битирувчиларни чет тили ва АКТни билиш даражаси қониқарсизлиги кўрсатилган.

14. Инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 31 та (19 та умумий ўрта таълим мактаблари, 5 та академик лицей, 6 та касб-хунар коллежлари ва 1 та нодавлат ўқув муассасаси) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: ушбу йўналишнинг ўқув режаси тўлиқ мос деб баҳоланган. Касбий малака учун аҳамиятли бўлмаган ижтимоий фанлар блоки таркибидаги фанларга ажратилган соатлар кўплиги, уларнинг ўрнига мутахассислик фанлари ҳамда малакавий амалиётга ажратилган вақт ва соат ҳажмларини кўпайтириш мақсадида ўқув режани қайта кўриб чиқиш сўралган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига илмий-тадқиқот ишларига ҳамда мактабгача таълим муассасаларида ва бошланғич синфларда чет тили ўқитиш методикаси фанларни киритиш лозимлиги билдирилган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлари бўйича умумий баҳолаш ижобий. Дастурларни ишлашда талабаларнинг ўз устида кўпроқ ишлашларини инобатга олиш жоиз деб баҳоланган.

Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча ва танлов фанларига мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида тил кўникмаларини шакллантириш, инглиз ва хорижий мамлакатлар адабиётлари фанига доир мавзуларни киритиш билдирилган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич ижобий баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, уларнинг меъёрий ҳужжатлар билан ишлашлари ҳамда кўпроқ замонавий методларни қўллаш малакаларини шакллантиришга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган. 2 та сўровномаларда битирувчиларни ижтимоий-сиёсий муносабатларни англаши қониқарсиз деб баҳоланган.

15. Бошланғич таълим методикаси кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 12 та (барчаси умумий ўрта таълим мактаблари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: йўналишнинг ўқув режаси бўйича қисман эътирозли ҳолатлар мавжуд деб баҳоланган. Касбий малака учун аҳамиятли бўлмаган ижтимоий, умумкасбий фанлар блоки таркибидаги фанлар учун ажратилган соатларни қисқартириш ҳисобига, мутахассислик фанлари блоки таркибидаги хуснихат ўқитиш методикаси, тасвирий санъат ўқитиш методикаси, ўқитувчи нутқи маданияти, она тили ва адабиёт фанларига ажратилган соатлар ҳажмини кўпайтириш, фанларнинг семестр бўйича жойлашишдаги тартибини қайта кўриб чиқиш орқали ўқув режага ўзгартириш киритиш сўралган. Шу билан бирга она тили ўқитиш методикаси фанига амалдаги ўқув режада 683 соат ажратилган бўлиб, бу фанни мутахассислар фикрича 3 қисмга яъни, она тили ўқитиш методикаси, хуснихат ва уни ўқитиш методикаси, ўқиш фанини ўқитиш методикаси фанларига ажратиш лозимлиги кўрсатилган. Ўқув режада педагогик амалиёт ўқув йилини иккинчи ярмида режалаштирилган. Аммо, савод ўргатиш даври умумий ўрта таълим муассасаларида декабрь ойида якунланади. Шунини инобатга олган ҳолда 3-4-босқичларнинг кузги-қишки семестрида режалаштириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блокига она тили, болалар адабиёти фанларни киритиш лозимлиги билдирилган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлари қисман қониқарли деб баҳоланган. Аксарият сўровномаларда дастурлардаги мавзулар бўйича машғулотларни замонавийлиги, талабалар мустақил иши бўйича ишлаб чиқарилган тошириқларнинг амалий аҳамияти, уни бажариш имконияти ва талабалар билимини баҳолаш мезони қониқарсиз баҳоланган. Шу билан бирга назарияни амалиёт билан боғланишига эътибор қаратиш жоиз деб фикр берилган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қисман ижобий баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, иш

берувчилар билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни кўпроқ ташкил этиш лозимлиги таъкидланган. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

16. Педагогика ва психология кафедраси:

Ушбу йўналиш бўйича жами 4 та (барчаси касб-хунар коллежлари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: ушбу йўналишнинг ўқув режаси қисман мос деб баҳоланган. Касбий малака учун аҳамиятли бўлмаган ижтимоий ва умумқасбий фанлар блоклари таркибидаги (солиқ ва солиққа тортиш, физиология анатомияси, гигиена фанларга ажратилган соатлар кўплиги, уларнинг ўрнига мутахассислик фанлар соатини кўпайтириш таклифи берилган. Бир-бирини такрорловчи фанлар сифатида педагогика тарихи, халқ педагогикаси, педагогик аксиология фанлари кўрсатилган. Математика фанини бу йўналиш учун соддалаштириш кераклиги таъкидланган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлари бўйича умумий баҳолаш қисман қониқарли. Аммо 3 та сўровномаларда дастурларда келтирилган мавзуларнинг фанни камраб олиш даражаси, 2 та сўровномаларда эса талабалар мустақил иши бўйича ишлаб чиқилган топширишларни бажариш имкониятилари ва 4 та сўровномаларда адабиётлар рўйхати қониқарсиз деб баҳоланган.

Бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, қўшимча ва танлов фанларига ижтимоий психология фани дастурига ахборот-психологик хавфсизлиги, педагогика тарихи фани дастурига мустақиллик даврлари, хорижий педагогик манбалар мавзуларни киритиш бўйича таклифлар билдирилган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, малакавий амалиётлари муддатларини кўпайтириш шу билан бирга иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни, меҳнат ярмаркаларини кўпроқ ташкил этиш таклифи берилган. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

17. Тарих кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 3 та (1 та умумий ўрта таълим мактаб, 1 та Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, 1 та Наманган шаҳар халқ таълими бўлими) муассасаларида сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: қуйидаги йўналишнинг ўқув режаси 2 та сўровномаларда тўлиқ жавоб бериши, 1 та сўровномада эса ўқув режани мос эмас, қайта ишлаб чиқиш керак деб баҳоланган. 1 та сўровномада касбий малака учун аҳамиятли бўлмаган ижтимоий фанлар блоклари таркибидаги солиқ ва солиққа тортиш, бир-бирини такрорловчи (1-блокда маданиятшунослик ва 3-блокда Ўзбекистон маданияти ва санъати) фанлар мавжудлиги, уларнинг ўрнига мутахассислик фанлар соатини кўпайтириш таклифи берилган. Шу билан бирга ўқув режада белгиланган архелогик ва этнографик амалиётларини ҳудудда тарихи ўрганилаётган жойларда ўтказилиши йўлга қўйилиши, Ўзбекистон ва яшаб турган ўлка тарихи ҳамда шу манзилда яшаб ижод қилган улуғ аллома ва шоирларни ҳаёти билан бирга илмий меросини, Қўқон хонлиги тарихини ўрганилиши режага киритилиши лозимлиги қайд этилган.

Ўқув режанинг қўшимча фанлар (ёки танлов) блоки таркибига киритиш учун нумизматика, тарихий қўлёзма китобларни ўқиш, тақинчоқлар, либослар, сопол архелогияси, ҳарбий санъат тарихи, қатағон қурбонлари тарихи ва мантиқ фанларини киритиш таклифи берилган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлари умумий қониқарли баҳоланган. Мавзулар мазмуни, камрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро мутаносиблиги, бошқа фанларда такрорланмаслиги, дастурнинг адабиёт таъминотида эркинликни кенгайтиришга

эътибор қаратилиши, ўлка археологияси, либослар, тўйлар, турли маросимларидаги фарқлар, хунарманчилик ва уларнинг ҳудудлардаги тараккиёти ҳамда меъморчилик ва безак санъатига доир мавзуларни киритиш бўйича таклифлар билдирилган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, малакавий амалиётлари муддатларини кўпайтириш шу билан бирга иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни ташкил этиш лозимлиги кўрсатилган. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

18. Касб таълими кафедраси (Ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги):

Ушбу йўналиш бўйича жами 2 та (1 та Наманган вилояти Фавкулотда Вазиятлар бошқармаси, 1 та Меҳнат муҳофазаси мутахассислари ассоциацияси Наманган вилояти кенгаши) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: ушбу йўналишнинг ўқув режаси 2 та сўровномаларда қисман мос деб баҳоланган. 1 та сўровномада касбий малака учун аҳамиятли бўлмаган умумкасбий ва ижтимоий фанлар блоклари таркибидаги олий математика, фалсафа, бир-бирини такрорловчи (Фавкулотда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси, ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси) фанларида айрим мавзулар такрорланиши мавжудлиги, шунингдек, мутахассислик фанлар (автомобил тайёргарлиги фанини иккига яъни, автомобил тузилиши ва ҳаракат ҳавфсизлиги фанларига ажратиш, радиация ҳавфсизлиги фанидан амалий машғулотлар) соатини кўпайтириш ҳамда фанларнинг семестрлар бўйича жойлашишдаги тартибини қайта кўриб чиқиш таклифи берилган.

Мазкур ўқув режанинг кўшимча фанлар (ёки танлов) блоки таркибига киритиш учун ҳаракат ҳавфсизлиги, қутқарув ишлари техник таъминоти фанларини киритиш таклифи қайд этилган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурларини умумий баҳолаш қониқарли. Авария-қутқарув ишлари фанига тоғ-қутқарув ва ғаввослик тайёрларлиги, меҳнат муҳофазаси фанига меҳнат муҳофазаси эргономикасига оид мавзулар киритилиши лозимлиги таъкидланган. 1 та сўровномада дастурларда талабалар мустақил иши бўйича ишлаб чиқилган топшириқларнинг амалий аҳамияти, уни бажариш имкониятига эътибор қаратиш, дастурда келтирилган адабиётлар рўйхати қониқарсиз баҳоланган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич ўртача ижобий баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, малакавий амалиётлари муддатларини кўпайтириш шу билан бирга иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни ҳамда фавкулотда вазиятлар бўлими билан ҳамкорликни ташкил этиш лозимлиги, ёнғин, электр ҳавфсизлиги фанларидан амалиётларни корхона ва ташкилотларда ўташларини йўлга қўйиш таклифи берилган. Қониқарсиз критерия кўрсатилмаган.

19. Касб таълими кафедраси (касб таълими: енгил sanoat буюмларини конструкциялаш ишлаш ва технологияси):

Қуйидаги йўналиш бўйича жами 3 та (барчаси касб-хунар коллежлари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: қуйидаги йўналишнинг ўқув режаси 2 та сўровномаларда тўлиқ жавоб бериши, 1 та сўровномада эса ўқув режани мос эмас, қайта ишлаб чиқиш керак деб баҳоланган.

Сўровномаларда касбий малака учун аҳамиятли бўлмаган умумкасбий, ижтимоий фанлар блоклари таркибидаги олий математика, физика, кимё фанларини соатлар ҳажми кўплигини инобатга олиб қисқартириш, касбий психология ва касбий педагогика фанларини эса умумлаштириш, малакавий амалиётларни ўқув йили давомида

ўтказилишини жорий этиш ҳамда ўқув режага тикув буюмларини моделлаштириш фанини киритиш таклифлари берилган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлари умумий қониқарли баҳоланган. 1 та сўровномада талабалар мустақил иши бўйича ишлаб чиқилган топшириқларни бажариш имконияти қониқарсиз кўрсатилган. Мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро муносиблиги, талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, баҳоланишнинг нисбатан содда механизмларини ишлаб чиқиш таъкидланган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли. Аммо 1 тадан сўровномаларда назарий билимни амалиётда қўллай олиши, касбий фаолиятни мустақил бажара олиш салоҳияти, ижодий фикрлаши, ижтимоий-сиёсий муносабатларни англаши, жамоа билан ишлай олиш қобилияти, 3 та сўровномаларда ҳам эса чет тили ва АКТни билиши қониқарсиз баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, уларни кўпроқ китоблар ўқишга ундаш механизмини амалда қўллаш шу билан бирга иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни ташкил этиш лозимлиги кўрсатилган.

20. Биология кафедраси:

Йўналиш бўйича жами 6 та (1 та умумий ўрта таълим мактаб, 4 та академик лицей, 1 та Наманган вилоят ДСЭНМ) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: қуйидаги йўналишнинг ўқув режаси ўртача қисман, эътирозли ҳолатлар борлиги таъкидланган.

Сўровномаларда касбий малака учун аҳамиятли бўлмаган умумкасбий, ижтимоий фанлар блоклари таркибидаги олий математика, физика, фалсафа фанларини соатлар ҳажми кўплигини инобатга олиб қисқартириш, бир-бирини такрорловчи (1 курсда математика, 4 курсда математик статистика) фанлари мавжудлиги, малакавий амалиётларни талабларини кучайтириш, уни баҳорги семестрда ўтказишни жорий этиш ҳамда ўқув режани махсус фанлар ва лабораторияларни ташкил этишга эътибор қаратиш ҳамда инглиз тили, АКТ фанларига ажратилган соатларни кўпайтириш таклифлари берилган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлари умумий қониқарли баҳоланган. 1 та талабалар мустақил иши бўйича ишлаб чиқилган топшириқларни амалий аҳамияти, 2 та сўровномада талабалар мустақил иши бўйича ишлаб чиқилган топшириқларни бажариш имконияти қониқарсиз кўрсатилган. Мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро муносиблиги, мавзуларнинг бошқа фанларда такрорланмаслиги, ўқув режани ишлаб чиқишда таянч ОТМ бошқа ОТМ билан ҳамкорликда ишлашини инобатга олиш кераклиги таъкидланган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли. Аммо 1 тадан сўровномаларда назарий билимни амалиётда қўллай олиши, касбий фаолиятига оид назарий билимларни эгаллаганлик даражаси, мустақил бажара олиш салоҳияти, чет тили ва АКТни билиши қониқарсиз баҳоланган.

Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, уларни кўпроқ китоблар ўқишга ундаш механизмини амалда қўллаш шу билан бирга иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни ташкил этиш ва ОТМ маркетинг бўлими фаолиятини кучайтиришга эътибор қаратилиши лозимлиги кўрсатилган. Шу билан бирга мутахассислик паразитология, микробиология фанлари бўйича амалиётларни ДСЭНМ лабораторияларида ўтказилишини йўлга қўйиш таклифи берилган.

21. Кимё кафедраси:

Йўналиш бўйича жами 11 та (1 та ЎЗРФА биоорганик кимё институти, 1 та ЎЗРФА умумий ва ноорганик кимё институти, 1 та “Наманган тола текстел” МЧЖ Наманган

туман бўлими, 1 та “Экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси бошқармаси” Наманган шаҳар бўлими, 1 та Наманган шаҳар “KARBONAM” МЧЖ, 2 та Наманган шаҳар халқ таълими бўлими, 2 та касб-хунар коллежи, 2 та Наманган вилоят ДСЭНМ, лари) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: куйидаги йўналишнинг ўқув режаси ўртача қисман, эътирозли ҳолатлар борлиги таъкидланган.

Сўровномаларда бир-бирини такрорловчи (аналитик кимё, аналитик кимёда физик кимёвий усуллар, физик-кимёвий тадқиқот усуллари) фанлари мавжудлиги, малакавий амалиётларни ташкил этиш вақти ва ҳажми талаб даражада эмаслиги, фанлар сонини уларнинг семестрдаги жойлашувини ҳамда мавзуларнинг лаборатория мавзулари билан мослигини қайта кўриб чиқиш таклифлари берилган.

Мазкур ўқув режанинг кўшимча фанлар (ёки танлов) блоки таркибига киритиш учун кимёвий ишлаб чиқаришда экологик муаммолар, ноорганик моддалар синтези ва анализи, целлюлоза кимёси, кимёвий анализ усуллари, нанополимер фани ва технология ҳамда кимёвий технология фанларини киритиш таклифи қайд этилган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлари умумий қониқарли баҳоланган. Мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро мутаносиблиги, дастурнинг адабиёт таъминотида эркинликни кенгайтириш, мустақил ишларни амалиётга боғлашга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, дори-дармон таркибининг кимёвий тарихи, нанокомпозитлар технологияси, озик-овқат саноатида кимёнинг аҳамияти, кимёвий ишлаб чиқишда экологик муаммолар, наноматериал композицион модда ва материалларга оид мавзулар киритиш кераклиги кўрсатилган. Ўқув режанинг 2-блокидаги экология фанига “Кимёвий ишлаб чиқаришдаги экологик муаммолар” мавзусини кириштириш сўралган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли. Аммо 2 тадан сўровномаларда назарий билимни амалиётда қўллаш олиши, 1 та сўровномада касбий фаолиятда вазиятни таҳлил қила олиши, хулоса чиқара олиши, мустақил бажара олиш салоҳияти, 4 та сўровномаларда эса чет тили ва АКТни билиши қониқарсиз баҳоланган.

Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, уларни кўпроқ китоблар ўқишга ундаш механизмни амалда қўллаш шу билан бирга иш берувчи билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни ташкил этиш ва малакавий амалиётларни соатини кўпайтириш, чет эл тажрибаларини ўргатиш ва амалиётда қўллаш учун ҳорижий давлатларга стажировкага юборишни йўлга қўйиш таклифи берилган.

22. Жисмоний маданият ва спорт фаолияти кафедраси:

Мазкур йўналиш бўйича жами 7 та (6 умумий ўрта таълим мактаблари, 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби) муассасада сўровномалар ўтказилган.

Ўқув режалар бўйича: куйидаги йўналишнинг ўқув режаси тўлиқ мослиги таъкидланган. Аммо 1 та сўровномада ўқув режани тўлиқ қайта ишлаб чиқиш керак деб баҳоланган.

Касбий малака учун аҳамиятли бўлмаган (математика, иқтисод назарияси, диншунослик, экология, биохимия ва спорт биохимияси ҳамда фармокология фанлари кўрсатилган. Ўқув режада малакавий амалиётларни ташкил этиш ва ҳажми талаб даражада эмаслиги таъкидланган.

Ўқув дастурлар бўйича: ўқув дастурлари умумий ижобий деб баҳоланган.

Аксарият сўровномаларда дастурлардаги мавзулар мазмуни, қамрови ва уларга ажратилган вақт ҳажмининг ўзаро мутаносиблиги, дастурларда адабиёт таъминотида эркинликни кенгайтириш, талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, баҳоланишнинг нисбатан содда механизмларини ишлаб чиқиш жоиз деб фикр билдирилган.

Дастурларни ишлаб чиқишда мутахассислик, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш фанларига, шунингдек, мавзулар бўйича компетенциявийлик бўйича кўпроқ эътибор берилиши лозимлиги билдирилган.

Битирувчилар малакаси бўйича: умумий кўрсаткич қониқарли баҳоланган. Аммо, 1 та сўровномада касбий фаолиятда вазиятни таҳлил қилиш, хулосалар чиқара олиш, ўз лавозим вазифаси моҳиятини тушуниш қониқарсиз баҳоланган. Таълим ва амалиёт ўртасидаги ҳамкорлик, интеграцияни янада кучайтириш, уларни кўпроқ китоблар ўқишга ундаш механизмини амалда қўллаш билан бирга иш берувчилар билан талабалар ўртасида амалий учрашувларни кўпроқ ташкил этиш лозимлиги таъкидланган. Назарий билимларни амалиёт билан боғлашга эътиборни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ деб кўрсатилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ўтказилган сўровнома фақатгина бакалавриат йўналишлари учун ўтказилган бўлиб, *магистратура мутахассисликлари бўйича ишлар амалга оширилмаган*. Университетнинг *Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш, Амалий математика, Экология* кафедралари берилган вазифаларни умуман бажаришмаган бўлса, *Физика, Спорт фаолияти, Биология* кафедраларида белгиланган вазифалар қониқарсиз бажарилган.

Вазифа: университетда ўқув жараёнининг ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари, ишчи ўқув режалари ва ишчи фан дастурлари билан таъминланганлик ҳолатини ўрганиш. Уларни кадрлар истеъмолчилари фикрларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш билан таълим интеграцияси нуқтаи назардан янада такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш ва университет ректорига тақдим этиш.

Университет кафедраларида ДТС, малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари, ишчи ўқув режалари ва ишчи фан дастурлари билан таъминланганлик ҳолатини ўрганиш бўйича олиб борилган текширувлар натижасида қуйидагилар аниқланди:

№	Кафедралар номи	ДТС ва тасдиқланган йили	МТ ва тасдиқланган йили	Намунавий ўқув режаларнинг мавжудлиги	Намунавий фан дастурлари				Ишчи ўқув дастурларининг мавжудлиги (бакалавр, магистратура фанлари, ИПИ ва ИТИ, И/Ч, дала, педагогик амалиётлар, қўшимча ва танлов фанлари)
					Кафедрада мавжуд бўлмаган НЎД	НЎР ларнинг тасдиқланган йиллари тўғри келмайдиган ҳолатлар			
						Тасдиқланган йил эски бўлган фанлар	Рисолада бўлиши лозим	Кафедрадаги ҳолат	
1.	Физика	4-курс - 2014 йил 3-курс -	1. Бакалаврият таълим йўналиши учун 2016 ва 2017 йилларда ишлаб чиқилган малака талаблари тақдим этилмади. 2. Магистратура мутахассислиги учун 2016 ва 2017 йилларда ишлаб чиқилган малака талаблари тақдим этилмади.	Барчаси мавжуд	Бакалаврият 2-курслар учун 1. Аналитик механика 2. Электроника ва сигналларни қайта ишлаш	Магистратура мутахассисликлари (Физика (Лазерлар физикаси), Конденсацияланган муҳитлар физикаси ва материалшунослик) 1-курсларнинг мутахассислик бўйича барча фан дастурлари	Намунавий фан дастурлари 2017 йилда тасдиқланган фан дастурлари асосида ишлаши лозим	Магистратура мутахассислигининг 1-курсларида бекор қилинган 2016 йил 22 январь 26-сонли буйруқ билан тасдиқланган намунавий фан дастурлари асосида ишланмоқда.	Барчаси мавжуд
2.	Амалий математика ва информатика	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил	2017 йил амалий математика ва информатика йўналиши учун ишлаб чиқилган малака талаб мавжуд эмас	Барчаси мавжуд	Барчаси мавжуд				Барчаси мавжуд
3.	Касб таълими	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил	Касб таълими (ерусти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатация қилиш (автомобил транспорти)) йўналиши учун 2017 йил ишлаб чиқилган малака талаблари мавжуд	Касб таълими (ерусти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатация қилиш (автомобил транспорти)) йўналиши учун Фан дастурлари	Касб таълими (ерусти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатация қилиш (автомобил транспорти)) йўналиши учун Фан дастурлари мавжуд эмас				Барчаси мавжуд

			эмас	мавжуд эмас					
4.	Кимё	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил	Кимё йўналиши учун 2017 йил ишлаб чиқилган малака талаблари мавжуд эмас	Барчаси мавжуд	Бакалаврият таълим йўналишини фан дастурлари мавжуд	Магистратура мутахассислиги учун 22 январ 2016 йил 26-сонли буйруқ билан тасдиқланган намунавий фан дастури асосида ишлянапти.	Намунавий фан дастурлари 2017 йилда тасдиқланган фан дастурлари асосида ишлаши лозим		Барчаси мавжуд
5.	Биология	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил	3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	барчаси мавжуд	1. Биология бакалаврият таълим йўналиши 3-4- босқич учун 2016 йилда тасдиқланган намунавий фан дастури асосида ишлянапти.	3-курслар 2015, 4- курслар 2014 йил тасдиқланган НЎД асосида расмийлаштирили ши керак		Барчаси мавжуд
6.	Ўзбек тили	4-курс - 2014 йил мавжуд 3-курс - мавжуд эмас	3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	2-курслар учун намунавий ўқув режа мавжуд эмас.	1. Ўзбек адабиёти таърихи 2. Навоийшунослик 3. Ўзбек тилидан махсус курс 4. Аруз вази фанларининг дастурлари мавжуд эмас	1. Шарқ тиллари 2. Компьютер лингвистикасига кириш 3. Тилшунослик назарияси 4. Янги ўзбек адабиёти ва адабий танқид таърихи 5. Туркий тилларнинг қиёсий-таърихий грамматикаси 6. Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари 7. Ўзбек тилшунослиги таърихи 8. Социоллингвистика	1. 2017 йил 2. 2016 йил 3. 2014 йил 4. 2014 йил 5. 2014 йил 6. 2014 йил 7. 2014 йил 8. 2014 йилларда тасдиқланган фан дастурлари асосида ишлаши лозим	1. 2016 йил 2. 2017 йил 3. 2015 йил 4. 2016 йил 5. 2016 йил 6. 2016 йил 7. 2016 йил 8. 2016 йилларда тасдиқланган намунавий фан дастурлари асосида ишланмоқда.	

7.	Рус тили	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил	3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил		1. Умумий тилшунослик 2. Ҳозирги рус адабий тил 3. Адабиётшунослик асослари 4. Рус тили практикуми 5. Рус адабиёти тарихи 6. Рус адабиёти практикуми 7. Адабиёт тарихи 8. Рус тили стилистикаси ва нутқ маданияти 9. Рус тилини ўқитиш назарияси ва методикаси 10. Ҳозирги адабий тил 11. Тил тарихи 12. Адабиёт тарихи 13. Жаҳон адабиёти тарихи 14. Бадий матн таҳлили ва ифодалари ўқиш 15. Рус тили стилистикаси ва нутқ маданияти 16. Рус адабиётини ўқитиш назарияси ва методикаси 17. Ҳозирги рус тили 18. Рус тили тарихи 19. Умумий тилшунослик 20. Рус адабиёти тарихи 21. Ҳозирги адабий жараён	1. 2017 йил 2. 2017 йил 3. 2017 йил 4. 2017 йил 5. 2017 йил 6. 2017 йил 7. 2016 йил 8. 2016 йил 9. 2015 йил 10. 2015 йил 11. 2015 йил 12. 2015 йил 13. 2015 йил 14. 2015 йил 15. 2015 йил 16. 2015 йил 17. 2014 йил 18. 2014 йил 19. 2014 йил 20. 2014 йил 21. 2014 йилларда тасдиқланган фан дастурлари асосида ишлаши лозим	1. 2011 йил 2. 2016 йил 3. 2016 йил 4. 2011 йил 5. 2011 йил 6. 2016 йил 7. 2011 йил 8. 2014 йил 9. 2012 йил 10. 2012 йил 11. 2016 йил 12. 2011 йил 13. 2012 йил 14. 2014 йил 15. 2014 йил 16. 2012 йил 17. 2012 йил 18. 2016 йил 19. 2011 йил 20. 2011 йил 21. 2016 йилларда тасдиқланган намунавий фан дастурлари асосида ишланмоқда.	1. Адабиёт тарихи 2. Рус тили стилистикаси ва нутқ маданияти 3. Адабиёт тарихи 4. Рус адабиётини ўқитиш назарияси ва методикаси 5. Рус тили ва адабиётини ўқитиш назарияси ва методикаси 6. Умумий тилшунослик 7. Ҳозирги рус тили 8. Рус адабиёти тарихи 9. Ҳозирги адабий жараёни 10. Рус тили ва адабиётини ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари фанларидан ишчи ўқув дастурлари мавжуд эмас
8.	Иқтисодиёт	4-курс 2014 йил	3-курсга қабул бўлмаган 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	4-курс 2014 йил 3-курсга қабул бўлмаган 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	Барчаси мавжуд				1. Маркетинг 2. Менежмент 3. Касбий таълим методикаси фанларидан ишчи ўқув дастурлари мавжуд эмас
9.	Архившуно слик	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил	3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил		1. Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг давлат муассасалари тарихи 2. Архив ҳужжатларини сақлаш, қайта ишлов бериш ва тиклаш ишлари 3.			1. 2-босқич талабалари Архившунослик йўналиши учун: Ўқув режада берилган Музейшунослик, кутубхонашунослик

					<p>Манбашунослик ва тарихшунослик4. Архивларнинг технотрон хужжатлари5. Тасвирий ва визуал материаллар тарихий манба сифатида6. Архив ҳуқуқи фанлари 2014 йил тасдиқланган бўлиши керак лекин ҳозирда ОЎМТВнинг 2012 йил 14 мартда 107-сонли буйруқ билан тасдиқланган фан дастури асосида ишланяпти</p>		<p>ва библиография асослари фани фан дастурига мос келмайди. Фан дастури: Музейшунослик алоҳида фан дастури сифатида Кутубхонашунослик ва библиография асослари алоҳида фан дастури сифатида берилган.2. 2-босқич талабалари Тарих йўналиши учун: Ўқув режада берилган Шарқ алломаларининг илмий мероси фани фан дастурига мос келмайди. Фан дастури: Ўрта осие алломаларининг илмий мероси ва тасаввуф тарихи фан дастури сифатида берилган.3. 3-босқич талабалари Архившунослик йўналиши учун: Ўқув режада берилган Жаҳон архивлари тарихи ва хорижий мамлакатларда архив иши фани фан дастурига мос келмайди. Фан дастури: Жаҳон архивлари тарихи ва замонавий мамлакатларда архив иши фан дастури сифатида берилган.4.</p>
--	--	--	--	--	--	--	--

									3-босқич талабалари Архившунослик йўналиши учун: Ўқув режада берилган Тарихшунослик фани фан дастурига мос келмайди. Фан дастури: Манбашунослик ва тарихшунослик фан дастури сифатида берилган.
--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

	<p>10. Ўзбекистон да демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти</p>				<p>1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари фани 2017 йил тасдиқланган бўлиши керак лекин ҳозирда ОўМТВнинг 2005 йил 2 февралда 18-сонли буйруқ билан тасдиқланган фан дастури асосида ишляпяпти</p> <p>2. Фалсафа</p> <p>3. Маънавий асослари. Диншунослик фанлари 2016 йил тасдиқланган бўлиши керак лекин ҳозирда ОўМТВнинг 2011 йил 17 сентябрда 392-сонли буйруқ билан тасдиқланган (ТАЖРИБА СИНОВ) сифатида берилган фан дастури асосида ишляпяпти</p> <p>4. Социология фани 2015 йил тасдиқланган бўлиши керак лекин ҳозирда ОўМТВнинг 2011 йил 17 сентябрда 392-сонли буйруқ билан тасдиқланган (ТАЖРИБА СИНОВ) сифатида берилган фан дастури асосида ишляпяпти</p> <p>5. Ўзбекситонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти фани 2014 йил тасдиқланган бўлиши керак лекин ҳозирда ОўМТВнинг 2011 йил 17 сентябрда 392-сонли буйруқ билан тасдиқланган (ТАЖРИБА СИНОВ) сифатида берилган фан</p>			
--	--	--	--	--	---	--	--	--

						дастури асосида ишланяпти			
11.	Ижтимоий маданий фаолият	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил	3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил	1.Маданий-маърифий муассасаларида ижодий жамоалар билан ишлаш услуги	1. Маданиятшунослик фани 2016 йил тасдиқланган бўлиши керак лекин ҳозирда ОЎМТВнинг 2011 йил 17 сентябрда 392-сонли буйруқ билан тасдиқланган			Барчаси мавжуд

				1-курс 2017 йил	фанини дастури мавжуд эмас	(ТАЖРИБА СИНОВ) сифатида берилган фан дастури асосида ишланяпти			
12.	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил	3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	1-курс учун намунавий ўқув режа мавжуд эмас?	Ўзбекистонда миллий демократик тараққиёт фанини дастури мавжуд эмас	Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар фани 2014 йил тасдиқланган бўлиши керак лекин ҳозирда ОЎМТВнинг 2011 йил 17 сентябрда 392-сонли буйруқ билан тасдиқланган (ТАЖРИБА СИНОВ) сифатида берилган фан дастури асосида ишланяпти			Барчаси мавжуд
13.	Тарих	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил	3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	1. Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари 2. Ўрта осиеда миллий ҳудудий чегараланиш фанларини дастурлари мавжуд эмас	Ўзбекистон тарихи Магистратура мутахассислиги 1-босқич учун 2017 йил тасдиқланган фан дастури асосида ишлаш керак лекин ҳозирда 2016 йил тасдиқланган фан дастури асосида ишланяпти			1. Жаҳон цивилизациялари тарихи 2. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи 3. Ўрта осиеда миллий ҳудудий чегараланиш фанларидан ишчи ўқув дастурлари мавжуд эмас
14.	Физиология ва валеология асослари					1. Валеология асослари 2. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанлари 2017 йил тасдиқланган бўлиши керак лекин ҳозирда ОЎМТВнинг 2011 йил 17 сентябрда 392-сонли буйруқ билан тасдиқланган (ТАЖРИБА СИНОВ) сифатида берилган фан дастури асосида ишланяпти			Барчаси мавжуд
15.	Бошланғич	4-курс	3-курс 2015 йил	4-курс 2014	1. Бошланғич				Барчаси мавжуд

	таълим	2014 йил 3-курс 2015 йил	2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	йил 3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	синфларда математикадан синфдан ташқари ишлар 2.Бошланғич синф математика дарсларида ностандарт масалаларни ечиш методикаси мавжуд эмас				
16.	Жисмоний маданият назарияси ва спорт турларини ўқитиш методикаси				1.Харакат фаолияти биомеханикаси 2.Жисмоний тарбия гигиенаси ва спорт тиббиёти 3.Енгил атлетика ва уни ўқитиш методикаси 4.Миллий кураш турлари ва уни ўқитиш методикаси 5.Спорт ўйинлари ва уни ўқитиш методикаси 6.Спорт маҳоратини ошириш 7.Жисмоний маданиятда ўқитиш технологиялари ва лойихалаштириш 8.Спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш ва ҳакамлик қилиш 9.Спорт тўғаракларини ташқил қилиш ва ўтказиш методикаси 10.Футбол	1. Жисмоний маданият ва спорт фани 2016 йил тасдиқланган бўлиши керак лекин ОЎМТВнинг 2011 йил 17 сентябрда 392-сонли буйруқ билан тасдиқланган (ТАЖРИБА СИНОВ) сифатида берилган фан дастури асосида ишланяпти			1. Ҳаракат фаолияти биомеханикаси 2. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси 3. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси 4. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси 5. Спорт маҳоратини ошириш 6. Жисмоний маданиятда ўқитиш технологиялари ва лойихалаштириш 7. Спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш ва ҳакамлик қилиш 8. Спорт тўғаракларини ташқил қилиш ва ўтказиш методикаси 9. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси 10. Енгил атлетика ва уни ўқитиш методикаси 11. Спорт

					11.Эркин кураш ва уни ўқитиш методикаси фанларини дастурлари мавжуд эмас				психологияси 12. Жисмоний маданиятда ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаштириш 13. Футбол 14. Эркин кураш ва уни ўқитиш методикаси фанларидан ишчи ўқув дастурлари мавжуд эмас
17.	Мактабгача таълим	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил	3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	4-курс 2014 йил 3-курс 2015 йил 2-курс 2016 йил 1-курс 2017 йил	Барчаси мавжуд	1.Мактабгача педагогика 2.Мактабгача таълимда нутқ ва ўзга тилга ўргатиш методикаси 3.Мактабгача таълимда болаларни табиат билан таништириш методикаси 4.Мактабгача таълимда тасвирий фаолиятга ўргатиш методикаси 5.Мактабгача таълимни ташкил этиш ва раҳбарнинг ташкилотчилик маданияти	1-5 фан дастурлари 2015 йилларда тасдиқланган фан дастурлари асосида ишлаши лозим	1. 2014 йил 2. 2016 йил 3. 2014 йил 4. 2016 йил 5. 2014 йилларда тасдиқланган намунавий фан дастурлари асосида ишланмоқда.	Барчаси мавжуд

Вазифа - Университет моддий-техник базасини кафедралар кесимида ўрганиш. Бу жараёнда кафедралар томонидан амалга оширилаётган грантлар, шартномалар асосида моддий-техник базани яхшилашга қўшган ҳиссасининг улушига эътиборни қаратиш. Тегишли таклифларни тайёрлаш, уларни университет ректорига тақдим этиш.

Т/р	Кафедра номи	Кафедра ўқитувчилари хонасини талабларга жавоб бериши (масалан: кафедра ПУларини тўла қамраб олиши)	Кафедрага бириктирилган ўқув аудиторияларининг умумий сони	Стационар ўқув презентацион ва мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган ўқув аудиториялари сони	Фойдаланилаётган компьютерларнинг умумий сони	Шундан маънавий эскирганлари сони	Интернет тармоғига уланган компьютерларнинг умумий сони	WI-FI зоналарнинг ташкил этилганлиги	Интернет тармоғининг умумий тезлиги (Мбит/с), (мавжуд ҳолатни белгиланг)	Кафедрада илмий лойиҳалар, хўжалик шартномалари доирасида олинган асбоб-ускуналар ва техник воситалар	Ушбу семестрда лаборатория ўтиладиган фанлар сони ва лаборатория хоналарининг сони	Мавжуд лаборатория хоналари бир вақтда лаборатория ва вмалий машғулотларини қамраб олиниши
1	Амалий математика	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 15 та ўқитувчидан 15 тасини қамраб олади	10	2	134	13	119	йўқ	100 мб/сек		17 та фандан лаборатория машғулотли ўтилади. 8 та лаборатория хонаси мавжуд	Қамраб олади
2	Архившунослик	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 10 та ўқитувчидан 9 тасини қамраб олади. 1 та ўқитувчига етмайди	2	Кафедрада 2 та видеопроектор бор шундан 1таси стационар қилиб ўрнатилган 1 таси ўрнатилмаган кўчма қилиб олиб юрилади	3	1	2	йўқ	100			

3	Биология кафедраси	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 17 та ўқитувчидан 10 тасини қамраб олади. 4 та доцент учун алоҳида хона ташкил этилган. 3 та ўқитувчига етмайди	9	3	5	2	4	йўқ	100 Мбит/с	2 та лойиҳада 1 та сканер, 2 та принтер, 2 та ноутбук ҳамда хўжалик шартномаси доирасида 1 та ноутбук олинган	4 та фандан лаборатория ўтилади 4 та хона ташкил этилган	Қамраб олмайди шунинг учун лаборатория машғулоти қўшиб ўтилади
4	Бошланғич таълим методикаси	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 17 та ўқитувчидан 14 тасини қамраб олади. 3 та ўқитувчига етмайди	14	Кафедрада 1 та видеопроектор мавжуд лекин ўрнатилмаган кўчма қилиб олиб юрилади	2	1	0	мавжуд				
5	География	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 8 та ўқитувчидан 8 тасини қамраб олади	3	Кафедрада 3 та видеопроектор бор лекин ўрнатилмаган кўчма қилиб олиб юрилади	4	2	3	йўқ	100	Ҳомийлар ёрдамида 6 та глобус олинган		Қамраб олмайди чунки аудитория етишмайди
6	"Дифференциал тенгламалар ва математик физика"	Хона талабга жавоб бермайди. Хона кичкина. Кафедрада 6 та ўқитувчидан 4 тасини қамраб олади. 2 та ўқитувчига етмайди	5	Кафедрада 1 та видеопроектор ва 1 та телевизор мавжуд. лекин ўрнатилмаган 1 та видеопроектор кўчма қилиб олиб юрилади	1			йўқ				
7	Жисмоний маданият назарияси ва спорт фанларини ўқитиш кафедраси	Хона Талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Кафедрада 20 та ўқитувчидан 10 тасини қамраб олади. 10 та ўқитувчига етишмайди	5	1	1	-	-	йўқ	-	1 та лойиҳада 2 та ноутбук, 1 та сканер олинган	2 та фандан лаборатория машғулоти ўтилади. лаборатория хонаси мавжуд эмас	Қамраб олмайди чунки аудитория ташкил этилмаган

8	Ижтимоий-маданий фаолият	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 6 та ўқитувчидан 6 тасини қамраб олади	3	1	2	1	0	йўқ	0			
9	Иқтисодиёт	Хона Талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Кафедрада 8 та ўқитувчидан 8 тасини қамраб олади. Лекин стуллар синиқ, хонани жорий таъмирлаш керак	2	кафедрада 1 видеопроектор мавжуд лекин ўрнатилмаган қўчма қилиб олиб юрилади	4	0	1	йўқ	3			
10	Инглиз тили ва адабиёти	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 20 нафар профессор-ўқитувчилардан 20 нафари тўлиқ қамраб олинган	14	2	35	1	18	мавжуд	100 м/сек			
11	Инглиз тили ўқитиш методикаси	Хона талабларга тўлиқ жавоб бермайди. Кафедрада 21 нафар профессор-ўқитувчиларфаолият олиб боради. Лекин кафедра профессор-ўқитувчиларига ишлаш учун стол-стул берилмаган	14	5	1	0	0	йўқ	0			
12	Касб таълими	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 6 нафар профессор-ўқитувчилардан 6 нафари тўлиқ қамраб олинган	10	3	7	2	7	йўқ			11 та фандан лаборатория машғулотли ўтилади. 6 та лаборатория хонаси мавжуд	Қамраб олади

13	Кимё	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 19 нафар профессор-ўқитувчилардан 15 тасини қамраб олади. 1 та профессор учун хона ташкил қилинган 3 та профессор-ўқитувчи учун стол етмайди.	17	4	17	2	1	йўқ		3 та лойихада 2 та компьютер, 1 та принтер, 1 та РН метр, 1 та стиласкоп, 1 та техник иарози, 1 та аналитик тарози, 1 комплект шиша идишлар, 1 та қоғоз кесадиган дастгоҳ, 1 та переплёт қиладиган дастгоҳ, 1 та 2 комфорли электроплита	18 та фандан лаборатория машғулоти ўтилади. 8 та лаборатория хонаси мавжуд	қамраб олмайди. Сабаби хона лаборатория хонаси етишмайди
14	Мактабгача таълим методикаси	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 9 нафар профессор-ўқитувчилардан 9 нафари тўлиқ қамраб олинган	3	1	3	1	0	йўқ	0			
15	Математика	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 16 нафар профессор-ўқитувчилардан 11 тасини қамраб олади. 1 та профессор ва 1 та доцент учун хона ташкил қилинган	6	1	3	1	2	йўқ	100.0 Мбит			

16	Миллий ғоя.маънавият асослари ва хуқуқ таълими	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 13 нафар профессор- ўқитувчилардан 13 нафари тўлиқ қамраб олинган	5	3	3	1	1	йўқ	100	1 та лойихада 1 та компьютер, 1 та принтер олинган		
17	Муסיқий таълим	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 7 нафар профессор- ўқитувчилардан 7 нафари тўлиқ қамраб олинган	6	Кафедрада 2 та видеопроектор бор шундан 1 таси стационар қилиб ўрнатилган 1 таси ўрнатилмаган кўчма қилиб олиб юрилади	13	йўқ	улан маган	йўқ		Ҳомийлар ёрдамида 11 та наушник олинган	3 та фандан лаборатория машғулот ўтилади. 2 та лаборатория хонаси мавжуд	Қамраб олади
18	Немис ва француз тиллари	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 11 нафар профессор- ўқитувчилардан 11 нафари тўлиқ қамраб олинган	5	1	17	4	14	йўқ	тезлик паст			
19	Педагогика ва психология	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 18 нафар профессор- ўқитувчилардан 18 нафари тўлиқ қамраб олинган. Хона учун 3 шкаф берилиши лозим	4	1	2	1	1	йўқ			2 та фан хонаси етишмайди.	Фанлардан лаборатория машғулотлари ўтиш учун хона мавжуд эмас.
20	Рус тили ва адабиёти	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 13 нафар профессор- ўқитувчилардан 11 нафари тўлиқ қамраб олинган. 2 нафар доцент учун алоҳида хона мавжуд	5	1	3	1	0	йўқ	0			

21	Спорт фаолияти	Хона талабларга тўлик жавоб бермайди. Хоналар коронгу, ёритиш учун дераза очиш керак. Кафедрада 13 нафар профессор-ўқитувчилардан 13 нафари тўлик қамраб олинган. 2 нафар доцент учун алоҳида хона мавжуд	4	1	3	2	0	йўқ	0			
22	Тарих	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 21 нафар профессор-ўқитувчилардан 12 нафари тўлик қамраб олинган. 1 нафар профессор учун алоҳида хона ташкил этилган	14	3	4	1	1	йўқ	100			
23	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 8 нафар профессор-ўқитувчилардан 8 нафари тўлик қамраб олинган.	4	1	4	2	0	йўқ			1 та лаборатория хонаси мавжуд	
24	Ўзбек тили ва адабиёти	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 16 нафар профессор-ўқитувчилардан 11 нафари тўлик қамраб олинган. 1 нафар профессор учун алоҳида хона мавдуд. Аммо 4 нафар профессор-ўқитувчилар учун стол етарли эмас	8	йўқ	3	2	йўқ	йўқ	йўқ			

25	Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 20 нафар профессор-ўқитувчилардан 14 нафари тўлиқ қамраб олинган. Аммо 6 нафар профессор-ўқитиувчилар қамраб олинмаган	-	-	3	1	йўқ	100,0mbitt				
26	Факультетларга ро чет тиллари	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 26 нафар профессор-ўқитувчилардан 20 нафари тўлиқ қамраб олинган. Аммо 6 нафар профессор-ўқитиувчилар қамраб олинмаган	0	0	3	2	2	йўқ	тезлик паст			
27	Физика	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 15 нафар профессор-ўқитувчилардан 15 нафари тўлиқ қамраб олинган. Кафедрада илмий даражалилар учун 4 та хона ташкил этилган	18	2	17	2	14	мавжуд			9 та фандан лаборатория ўтилади 5 та лаборатория хонаси мавжуд.	Қамраб олади. Лаборатория жихозлари эскирган
28	Физиология ва валеология асослари	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 12 нафар профессор-ўқитувчилардан 11 нафари тўлиқ қамраб олинган. Аммо 1 нафар профессор-ўқитиувчи қамраб олинмаган	3	2	14	1	1	йўқ	тармоққа уланган лекин ишламайди	1 та лойихада 1 та компьютер, 1 та принтер, 1 та проектор, доска, 1 та сканер ва лаборатория жихозлари олинган	8 та фандан лаборатория ўтилади 2 та хона ташкил этилган лекин биттасида лаборатория жихозлари етишмайди	Қамраб олмайди лаборатория жихозларини 1 хонадан олиб чиқиб ўтилади

29	Экология	Хона талабларга жавоб беради. Кафедрада 12 нафар профессор-ўқитувчилардан 9 нафари тўлиқ қамраб олинган. Аммо 3 нафар профессор-ўқитувчилар қамраб олинмаган	3	кафедрада 1 видеопроектор мавжуд, ўрнатилмаган кўчма килиб олиб юрилади	2	1	0	йўқ	мавжуд эмас		4 та фандан лаборатория ўтилади хона ташкил этилмаган	Қамраб олмайди Фанлардан лаборатория машғулоти ўтиш учун хона мавжуд эмас
----	----------	--	---	---	---	---	---	-----	-------------	--	---	--

Вазифа - Университет таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг фанлар бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражасини АРМ ва кафедралар кесимида ўрганиш.

Кафедралар томонидан тақдим этилган маълумот асосида АРМда мутахассислик фанлар бўйича асосий ўқув адабиётлари билан таъминланганлик даражаси ҳолати ўрганилди. Ўрганилиш жараёнида бир қанча камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди.

Университетда 14215 номдаги 263812 дона адабиётлар мавжуд бўлиб, улар университет талабалари ва китобхонлар учун хизмат қилмоқда. Бироқ университетнинг профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган электрон адабиётлар, ўқув-услубий комплекслар талабалар фойдаланиши учун (қидириш, топиш) қулай шаклда тайёрланмаган. Аксарият, фанлардан электрон манбаалар эски ва сўнги талаблар асосида шакллантирилмаган. Шунингдек, электрон вариантга айлантирилаётган китобларни унга бўлган эҳтиёж, замонавийлиги, тили ва шунга ўхшаш критерияларга эътибор бериш лозим.

ОТМ Ахборот ресурс марказида (АРМ) 2018 йил 11 феврал санасидан буён интернет тармоғи ишламайди.

Университет ўқув залларида қайд дафтарларига қатновни кўпайтириш мақсадида сохта қайдлар қилиш ҳамда мутахассисларни белгиланган вақтда иш жойида бўлмаслик ҳолатлари аниқланди.

АРМда мавжуд ўқув-услубий мажмуаларнинг жуда катта қисми 2008-2011 йилларда тайёрланган ва қайта янгиланмаган.

Кафедралар томонидан берилган фан ишчи ўқув дастурида кўрсатилган асосий ўқув адабиётлар номи, чоп этилган йили, муаллифлари, қайси тилда мавжудлиги, сони ва уларнинг электрон вариантлари мавжудлиги АРМдаги ҳолати бўйича номутаносибликлар мавжуд. Аксарият кафедралар томонидан мавжуд деб тақдим этилган адабиётлар АРМда мавжуд эмас, борлари ҳам ўзбек тилида чоп этилган деб кўрсатилган адабиёт рус тилида чоп этилган ёки буни акси. Ваҳоланки, бу йўналишда рус гуруҳлари мавжуд эмас. АРМда йўналишлари ва мутахассисликларининг фанлар бўйича асосий ўқув адабиётларининг электрон вариантлари йўқ ҳисобда. Кафедралар томонидан фан ишчи ўқув дастурида кўрсатилган асосий ўқув адабиётлар CD, DVD дискларига ёзиб, рўйхати билан берилган. Аммо берилган дисклар бўш, ёзилганлари ҳам яроқсиз ҳолатда. Шунинг учун электрон вариантларини кўришни имкони бўлмади. Адабиётларни электрон вариантларини тайёрлашда АРМда мавжуд бўлмаган ёки сони кам адабиётлардан тайёрланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Умуман олганда, барча кафедраларнинг ўқув режаларидаги фанларнинг адабиётлар билан таъминланганлик ҳолати ва уни мониторинги кафедра мудирлари томонидан назоратга олинмаган ва берилган шакллар нотўғри шакллантирилган.

Айни пайтда АРМ томонидан ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёж март-апрель ойида аниқланади. Бу муддат ўқув йилининг бошида (сентябр-октябр) ойларида бажарилиши мақсадга мувофиқ. Энг ачинарлиси, 2017 йил мобайнида АРМга етишмаётган адабиётларни олиб қилиш бўйича атига битта (“Физиология ва валеология” кафедрасидан С.Мавланова) талабнома тушган.

Ўрганилаётган йилда барча кафедраларнинг нашр режаси мавжуд, лекин унинг ижроси қоникарсиз. Кафедраларда мавжуд БМИ, ТМИ ва бошқа фанлар бўйича услубий ишлар кафедрада битта ёки иккита нусхада мавжуд. Асосли савол туғилади: бу БМИ ва ТМИ бўйича услубий кўрсатмалар қимлар учун? Кафедралар учунми ёки талабалар учунми?

Шунингдек, АРМда мавжуд электрон манбааларни университет веб сайтыдаги контентини самарали йўлга қўйиш лозим. Бу орқали талабаларни адабиётлар билан таъминотини ҳамда университет веб сайтыга ташрифлар сонини кўпайтириш имконияти яратилади.

Вазифа - Мутахассислик фанларининг чет тилида ўқитилиши ҳолатини ва унинг университет бўйича салмоғи ва сифатини ўрганиш. Мутахассислик фанларидан дарс берувчи ўқитувчи-мутахассисларни қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш, уларни университет ректорига ва Кенгашига тақдим этиш.

Университетда ўқув 2017-2018 ўқув йилида қуйидаги таълим йўналишларида мутахассисликлар фанларидан чет тилида ўқув жараёнларини олиб бориш режалаштирилган.

Т/р	Хорижий тилда таълим бериладиган таълим йўналишлари	Хорижий тилда таълим беришга асос бўлувчи ҳужжат номи ва имзоланган санаси	Хорижий тилда дарс берилаётган фанлар номи	Хорижий тил номи	Таълим босқичи	Таълим олаётган талабалар сони
1	5120300-Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)	НамДУ ректорининг 2013 йил 24 ноябрдаги 12 А/О-сонли буйруғи	Ўзбекистон тарихи, Тарихий ўлкашунослик	Инглиз тили	2-курс	21
2	5А140200-Физика	Сертификат 2017 декабр	Полимерлар физикаси	Инглиз тили	1-курс магистратура	5
3	5111000- Касб таълими (Иқтисодиёт)	Сертификат 15 UZ 005401Aziza 025A 2016 21-июнь	Солиқ ва солиққа тортиш, Микроиқтисодиёт	Инглиз тили	2-курс	22
4	5140500-Кимё	Сертификат 2017 декабр	Физик кимё	Инглиз тили	2-курс	15
5	5140100- Биология	НамДУ ректорининг 2013 йил 24 ноябрдаги 12 А/О-сонли буйруғи	Ўсимликлар физиология	Инглиз тили	2-курс	14
6	5140500-Кимё	Сертификат 2017 декабр	Аналитик кимё	Инглиз тили	2-курс	15
7	5140500-Кимё	Сертификат 2017 декабр	Полимерлар кимёси	Инглиз тили	2-курс	15
8	5130100- Математика	Сертификат 2017 декабр	Математик анализ, Аналитик геометрия, Геометрия асослари	Инглиз тили	1-2 курслар	34

9	5111000-Касб таълими (Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси)	НамДУ ректорининг 2013 йил 24 ноябрдаги 12 А/О-сонли буйруғи	Тикув буюмларини конструкциялаш, Тикув буюмлари технологияси	Инглиз тили	3-курс	13
10	5111000-Касб таълими (Иқтисодиёт)	Сертификат 15 UZ 005401Aziya 025A 2016 21-июнь	Иқтисодиёт назарияси	Инглиз тили	2-курс	22
11	5111000-Касб таълими (Иқтисодиёт)	Сертификат 15 UZ 005401Aziya 025A 2016 21-июнь	Иқтисодий таълимотлар тарихи, Кичик бизнес ва тадбиркорлик	Инглиз тили	2-4 курслар	36
12	5140100- Биология	НамДУ ректорининг 2013 йил 24 ноябрдаги 12 А/О-сонли буйруғи	Одам ва ҳайвонлар физиологияси	Инглиз тили	3-курс	14
13	5140200-Физика	Сертификат 2017 декабр	Молекуляр физика	Инглиз тили	1-курс	18
Жами						244

Лекин, амалда белгиланган мутахассислик фанлари бўйича дарс жадвали ишлаб чиқилмаган, ишчи дастурлар тўлиқ, тузилмаган, гуруҳлар шакллантирилмаган ва чет тилида дарслар олиб борилмаган. Мутахассислик фанларидан дарс берувчи ўқитувчи-мутахассисларни қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш бўйича таклифлар берилмаган.

Вазифа - Университет аттестацияси ва аккредитацияси жараёнига тайёргарлик кўриш мақсадида ички аттестация механизмини ишлаб чиқиш, тегишли маълумотларни таркибий бўлинмалардан олиш ва жамланган маълумотлар базасини шакллантириш.

Университет аттестацияси ва аккредитациясини ўтказиш бўйича ички механизм ишлаб чиқилди ва таркибий бўлинмалардан олинган маълумотлар базаси шакллантирилди. Айни пайтда маълумотларни янгилаш ишлари амалга оширилмоқда.

Вазифа - Университетда таҳсил олаётган иқтидорли талабалар билан олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш. Иқтидорли талабаларни илмий фаолиятга, ҳар хил танловлар, ёшлар олимлар илмий-амалий лойиҳалари ва илмий анжуманларда иштирок этишга қизиқтириш ва уларни бу борада кенгрок жалб қилиш ишларига эътиборни қаратиш. Таклифлар тайёрлаш ва уларни университет ректорига тақдим этиш. Иқтидорли талабалар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш.

Университетда иқтидорли талабалар билан олиб борилаётган ишларни ўрганиш мақсадида мавжуд факультетлар (7 та) кесимида танлов асосида 1 тадан 7 та мутахассислик кафедралари танлаб олинди ва ўрганилди. Ўрганиш қуйидаги критериялар бўйича таҳлил қилинди.

1. Кафедрада иқтидорли талабалар билан ишлаш йўриқноманинг мавжудлиги,

2. Кафедрада талабалар билан илмий семинар, тўғарак ва бошқа тадбирларни ўтказиш режасининг мавжудлиги ва унинг ижроси,
3. Кафедра иқтидорли талабаларини профессор-ўқитувчиларга бириктирилганлиги (кафедра баённомасидаги акси),
4. Кафедра иқтидорли талабалари базасининг шакллантирилганлиги (курслар кесимида),
5. Иқтидорли талабалар билан ишлашнинг натижавийлиги (тезис, мақола, услубий ва бошқа ишлар),
6. Кафедрада инновацион-корпоратив ҳамкорлик асосида илмий-тадқиқот билан шуғулланаётган иқтидорли талабалар ва уларнинг натижавийлиги,
7. Кафедрада охириги 3 йилда Давлат илмий-техник лойиҳаларида иштирок этган иқтидорли талабалар,
8. Иқтидорли талабаларни илмий фаолиятга, ҳар хил танловлар, ёш олимлар илмий-амалий лойиҳалари ва илмий анжуманларда иштирок этишга қизиқтириш,
9. Университет маънавият ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг кафедрага бераётган амалий ва услубий ёрдамнинг ҳолати.

Тузилган саволнома бўйича қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

1. Кафедрада иқтидорли талабалар билан ишлаш Низомининг мавжудлиги.

Ўрганилган 6 та кафедрадан 3 тасида Низом мавжуд эмас (Биология, Бошланғич таълим, Математика).

2. Кафедрада талабалар билан илмий семинар, тўғарак ва бошқа тадбирларни ўтказиш режасининг мавжудлиги ва унинг ижроси.

Инглиз тили ва адабиёти кафедрасидан бошқа 5 та кафедрада иш режа тузиб тасдиқланган лекин тузилган режаларнинг ижроси умуман амалга оширилмаган (Биология, Бошланғич таълим, Жисмоний маданият, Архившунослик, Математика). Режалар ҳам олдинги йиллардан кўчириш асосида шакллантирилган. Умуман олинганда, ижро бўлмаса кафедраларда у нима учун тузилган деган савол туғилади.

3. Кафедра иқтидорли талабаларини профессор-ўқитувчиларга бириктирилганлиги (кафедра баённомасидаги акси).

Барча кафедраларда иқтидорли талабалар профессор-ўқитувчиларига 2017 йил август ойининг кафедра йиғилишида бириктирилиши таъкидланди, лекин уларни асослари тақдим қилинмади.

4. Кафедра иқтидорли талабалари базасининг шакллантирилганлиги (курслар кесимида).

Ўрганилган 6 та кафедрадан 3 тасида талабалар базаси шакллантирилган лекин айримлари тўлиқ ҳолда эмас. 3 тасида талабалар базаси шакллантирилмаган. (Архившунослик, Биология, Математика). Энг ачинарлиси, баъзи кафедраларнинг базалари йиллар ўтиши билан файлдан-файлга нусха олиш орқали шакллантирилган. Базада ўзгариш жуда кам, айрим ҳолларда битириб кетган талабалар ҳам рўйхатдан чиқарилмаган.

5. Иқтидорли талабалар билан ишлашнинг натижавийлиги (тезис, мақола, услубий ва бошқа ишлар).

Инглиз тили ва адабиёти кафедрасидан ташқари текширилган 5 та кафедраларда иқтидорли талабалар билан ишлашнинг натижавийлиги ўта қониқарсиз даражада ёки умуман мавжуд эмас (Биология, Бошланғич таълим, Жисмоний маданият,

Архившунослик, Математика). Мониторингни амалга оширилмаслиги кафедра мудури ёки мазкур йўналишга кафедрадан бириктирилган масъулларни умуман ишламаётганини англатади.

6. Кафедрада инновацион-корпоратив ҳамкорлик асосида илмий-тадқиқот билан шуғулланаётган иқтидорли талабалар ва уларнинг натижавийлиги.

Барча кафедраларда инновацион-корпоратив ҳамкорлик шартномалари тузилган. Лекин улар билан шуғулланаётган иқтидорли талабалар билан ишлар ҳеч қаерда акс эттирилмаган. Бу фақатгина расмийлик учун қилинган ҳолос.

7. Кафедрада охириги 3 йилда Давлат илмий-техник лойиҳаларида иштирок этган иқтидорли талабалар.

Математика кафедрасидан бошқа бирорта кафедра илмий-техник лойиҳаларида иқтидорли талабаларни жалб этмаган. Бу эса кафедраларда замон талабларига жавоб берадиган янгилик билан шуғулланилмаётганидан далолат беради.

8. Иқтидорли талабаларни илмий фаолиятга, ҳар хил танловлар, ёш олимлар илмий-амалий лойиҳалари ва илмий анжуманларда иштирок этишга қизиқтириш.

Барча кафедраларда талабаларни илмий фаолиятга, ҳар хил танловлар, ёш олимлар илмий-амалий лойиҳалари ва илмий анжуманларда иштирок этишга қизиқтириш қониқарли даражада эмас. Аксарият ютуққа эришган талабалар кафедра таъсирисиз ҳам олдиндан ютуқларга эришиб келган. Кафедралар талаба ютуққа эришгандан сўнг иқтидорли талабалар сафига қўшиб қўйган ҳоллари кўп.

9. Университет маънавият ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг кафедрага бераётган амалий ва услубий ёрдамнинг ҳолати.

Текширув давомида кафедралар ва факультет декан ўринбосарлари билан маънавият ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг кафедра ёки факультетга услубий-амалий ёрдами ёки фаолиятни ривожлантирувчи таъсири ҳақида суҳбат ўтказилганда, барча факультет ва кафедра масъуллари бўлимининг умуман таъсири ва ёрдами мавжудлиги йўқлигини таъкидлашди. Бўлим факультетлардан фақатгина тадбирларда иқтидорли талабаларни чақиртириб бериш учун хизмат қилиши таъкидланган. Бўлимда айтилган пайтда иқтидорли талабаларнинг ҳужжатлари юритилмаётган ва базаси мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби бўлимда иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича услубчи лавозимини қисқатирилганидир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, иқтидорли талабалар билан ишлаш учун масъулликни Илмий бўлимга ўтказилишини тавсия этамиз.

ВАЗИФА - КУЗГИ СЕМЕСТР ЯКУНИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ АСОСИДА РЕЙТИНГ БАЛЛАРИНИНГ ХОЛИСЛИГИНИ, ШАФФОФЛИГИНИ ВА СИФАТ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

Университетда семестр давомида шаффофликни таъминлаш мақсадида барча бакалаврият ва магистратура мутахассисликларида фанлардан якуний назорат турларини ахборот тизимлари орқали **189 та** академик гуруҳда онлайн-тест шаклида ўтказилди.

Кузги семестр натижалари бўйича жами **5650 нафар** бакалаврият таълим йўналишлари талабаларидан **5158 нафари** ёки **91,3 фоизи** қайта топширишларсиз фанларни тўлиқ ўзлаштиришга муваффақ бўлишган. Шундан **2017 нафари** ёки жамига нисбатан **35,7 фоизи** 71 баллдан юқори натижаларни қўлга киритганлар.

Сифат кўрсаткичи 71 баллдан юқори бўлганларнинг факультетлар кесимидаги таҳлилига кўра, уларнинг улуши педагогика факультетида **38,5 фоиз**, табиий фанлар факультетида **37 фоиз**, жисмоний маданият факультетида **38,5 фоиз**, филология

факультетида **37 фоиз**, ижтимоий-иқтисодий факультетида **39,9 фоиз**, инглиз филологияси факультетида **32,2 фоиз** ҳамда физика-математика факультети **27 фоиз** кўрсаткични ташкил этди (9-расм).

Ушбу ҳолатнинг курслар бўйича таҳлилига кўра, 71 баллдан юқори натижаларга эришганлар улуши 4-курсларда **41 фоизни**, 3-курсларда **43 фоизни**, 2-курсларда **42 фоизни**, 1-курсларда эса **36 фоизни** ташкил этган.

Айни пайтда, кузги семестр якунига кўра, академик қарздор ҳисобланган **492 нафар** талабадан **86 нафари** ёки **17,5 фоизи** жорий ва оралиқ назорат турларидан саралаш балларини тўплай олмаган талабалардир.

Бакалаврият босқичидаги академик қарздорларнинг **23 фоизи** 4-курслар, **21 фоизи** 3-курслар, **25 фоизи** 2-курслар ҳамда **31 фоизи** 1-курслар ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, факультетлар кесимида, академик қарздорларнинг **32 фоизи** физика-математика, **19 фоизи** инглиз филологияси, **11 фоизи** филология, **10 фоизи** ижтимоий-иқтисодий, **14 фоизи** табиий фанлар, **10 фоизи** педагогика ҳамда **4 фоизи** жисмоний маданият факультетига тўғри келган.

Рейтинг балларини холислигини, шаффофлигини ва сифат даражаси тахлили давомида қуйидаги камчиликлар аниқланди.

1. Рейтинг қайдномаларида 1.0 коэффицентда стипендия тайинланган талабаларга аксарият ҳолатларда 86 балл ва 0.75 коэффицентда стипендия тайинланган талабаларга 71 балл қуйиш “урф”га кирган. Масалан, Касб таълими йўналиши КТС-19-15 гуруҳи Тиллаева Мунисанинг семестр бўйича 11 та фанидан 10 тасини 86 балл билан, Турсунбоева Умида 11 та фандан 9 тасини 71 балл билан, Табиий фанлар факультет Кимё йўналиши 204-гуруҳ талабалари Махмудов Даврон 11 та фандан 11 тасини 86 балл билан ва Усманов Саидкамол эса 11 та фандан 10 тасини 86 балл билан яқунлаган. Мазкур ҳолат юқоридаги номлари келтирилган талабаларнинг баллари сунъий равишда кўтарилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу профессор-ўқитувчилар билан суҳбатда ўз исботини топди ва белгиланган тартибда сунъий равишда кўтарилиши сабаблари бўйича тушунтириш хатлари олинди.

2. Кўпгина профессор-ўқитувчиларнинг гуруҳ журналларига қайд этган талабаларнинг жорий ва оралиқ назорат баллари рейтинг қайдномасига тўғри келмайди,

3. Гуруҳ журналлари саҳифалари тўлиқ рақамланмаган ва декан ўринбосарлари томонидан фанларни расмийлаштириш кетма-кетлигига эътибор берилмаган,

4. Ҳар бир фаннинг ўқув машғулотлари ўтказилиши декан ва декан ўринбосарлари томонидан назорат белгилари (имзо ва сана) етарли талаб даражасида назоратга олинмаган,

5. Штрихланган ва бўялган саҳифаларнинг мавжудлиги.